**Ушбу сонда:**
2 ДАЪВО АРИЗАЛАРИ тадбиркорлар фойдасига ҳал қилинди
3 TV - ДАСТУРИ
4 *Касаба уюшма тадбири* «САЛОМАТЛИК» СПАРТАКИАДАСИ



ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

**2003 йил 16 сентябр, сешанба № 145 (1570)**

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ


## БУНДЕСТАГ ВАКИЛЛАРИ ТАШРИФИ

***Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Германия Бундестаги (парламенти) Бюджет масалалари бўйича қўмитаси раиси Манфред Карстенс раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раиси Эркин Халилов билан учрашди.***

Учрашувда томонлар Ўзбекистон ва Германия ўртасида парламентлараро алоқаларни янада ривожлантириш борасида фикрлашди.

Меҳмонларнинг Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Содиқ Сафоев билан учрашувида эса мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш, минтақавий хавфсизлик ва қўшни Афғонистондаги вазиятга оид масалалар музокаранинг мавзуси бўлди.

**(ЎзА)**

*Тантанадан кейинги ўйлар*

## НУКУС ВА НУКУСЛИКЛАР

***Нукус шаҳрининг 70 йиллиги тарих учун қисқа фурсат бўлса-да, ўзидан асрларга татигулик из қолдирди. Айниқса, мустақилликдан кейин меҳнатга бўлган муносабатнинг тубдан ўзгариши, моддий манфаатдорликдан қониқиш ҳисси кучайганлиги натижаси ўлароқ бунёдкорлик ишлари жадал бўй кўрсата бошлади. Хўжалик ва маиший қурилишдаги муваффақиятлари учун Нукус шаҳри истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ Ўзбекистон Республикаси Фахрий ёрлиғи билан мукофотланганлиги ҳам бежиз эмас.***

Нукус шаҳрининг жуғрофий жойлашуви ҳам ўзига хос. У денгиз сатҳидан 76 метр баландликда жойлашган бўлиб, жануб ва шарқ томонлардан Қизилқум чўли билан ўралган. Шимол томондан Амударё дельтаси билан туташган Қизкетган канали кесиб ўтади. Шаҳарнинг умумий майдони 200 квадрат километрдан ортиқ бўлиб, турли миллатга мансуб 300 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади.

Шаҳарда 100дан ортиқ саноат корхоналари мавжуд. Ривожланган мамлакатлар билан ҳамкорликда ташкил қилинган қўшма корхоналар фаолияти ҳозирданоқ ўз самарасини бермоқда. Бу тараққиёт сари шахдам одимлар ташланаётганидан далолат беради.

Шу ўринда Нукус Қорақалпоғистоннинг илм-фан маркази эканлигини қайд этиш жоиздир. Ҳозирги кунда 10 дан ортиқ илмий муассасалар фаолият олиб бормоқда. Қорақалпоғистон давлат университети, Нукус давлат педагогика институти, Тошкент давлат тиббиёт педиатрия институтининг Нукусдаги филиали шулар жумласидандир. 1992 йилдаёқ Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон филиали Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон бўлимига айлантирилди.

Илмий муассаса ва олий ўқув юртларида 6 нафар академик, 8 нафар фан доктори, 650 нафардан ортиқ фан номзоди илмий изланишлар олиб боришмоқда.

Мактабларда ўқувчилар қорақалпоқ, ўзбек, рус, қозоқ тилларида таҳсил олмоқда. 5600 нафар педагогнинг 4 нафари Қорақалпоғистон халқ ўқитувчиси, 3 нафари Ўзбекистон халқ ўқитувчиси, 47 нафари Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи ва қатор «Меҳнат шуҳрати», «Соғлом авлод учун» ордени соҳиблари бор. Хусусан, ўқитувчиларнинг 5 нафари фан номзоди, 333 нафари Қорақалпоғистон халқ таълими аълочиси, шу билан бирга 600га яқини олий тоифали педагог эканлиги қувонарли ҳолдир. Нукус шаҳридаги 63 та мактабгача тарбия муассасида тарбияланаётган болаларни хорижий тилларга, тасвирий ва мусиқа санъатига ўргатиш самарали йўлга қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг шаҳарнинг 70 йиллиги муносабати билан бу ерга ташриф буюриши нафақат нукусликларга, балки Оролбўйи заминида истиқомат қилаётган барча инсонларга янада илҳомбахш кайфият бағишлади. Президентимиз ўтган сафарги ташрифларининг бирида «Нукус қорақалпоқлар билан ёнма-ён кўплаб бошқа миллатлар ва элатлар вакиллари яшаётган ва меҳнат қилаётган ажойиб навқирон шаҳар, улар умумий саъй-ҳаракатлари билан бу ажойиб дўстлик ва қардошлик шаҳрини барпо этдилар», дея таъкидлаган эдилар.

Нукусликлар Юртбошимизнинг бу сўзларини тўй либосидаги шаҳар тантаналарида яна бир бора эсга олдилар. Негаки, ҳозирги Нукус шаҳри ҳудудидаги дастлабки одамлар эрамиздан аввалги IV-III асрларда яшай бошлашган. Айниқса, шаҳар ҳудудининг асосий марказий қисми саналган Шўрча қалъаси 2000 йиллик тарихни ўз ичига олганлиги ҳақида маълумотлар бор. Тадқиқотлар бу қалъа қадимий Хоразм давлатининг шимоли-ғарбидаги истеҳком қалъаларидан бири, яъни қўриқловчи ва Амударё орқали сув йўли алоқасини назоратга олувчи қўрғон бўлганлигини кўрсатмоқда.

Бугунги Нукус. Унинг беқиёс даражада чирой очиши бевосита Юртбошимиз номи билан боғлиқ. Шаҳарда қад ростлаши лозим бўлган иншоотлар, уларнинг ташқи қиёфаси ва қулайликлари борасида аниқ-равшан кўрсатмалардан илҳомланган бунёдкорлар янги-янги ғоялар билан тўлиб тошмоқдалар.

Нукусликлар Оролбўйи минтақасининг танти инсонлари. Президентимиз ибораси билан айтганда, бу ерда, элим деб, юртим деб ёниб яшаётган, юксалиш, буюк келажак сари интилаётган одамлар яшамоқда. Ана шу собитқадамлик улкан зафарларга кафолат бўлмоқда.

**Болтабой ЭРНАФАСОВ,**
**«Ишонч» мухбири**



Мустақиллик йилларида Китоб тумани ҳам тобора гўзаллашиб бормоқда. Бу ерда турли бинолар, шу жумладан, гузарлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ҳамид Олимжон номли маҳаллада ишга тушган гузар ҳам бу борадаги фикримизни тасдиқлаб турибди.

**Суратларда: маҳалла оқсоқоллари ўзаро суҳбатлашишмоқда; туман маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларининг умумий кўриниши.**

**Ш.СУЛТОНОВ олган суратлар**




### ЖИЗЗАХДА КАСАБА УЮШМА ПЛЕНУМИ

Яқинда касаба уюшмалари Жиззах вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари 6-пленуми бўлиб ўтди. Унда ташкилий масалалар кўрилди. Илгари Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма вилоят қўмитаси раиси вазифасида ишлаб келган Нусратулло Пардаев касаба уюшмалари вилоят Кенгаши раиси этиб сайланди.

Пленумда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Маҳмуджон Расулов, ташкилий ишлар бўлими мудири Вали Қўчқоров қатнашди.

**А.АЗИМОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Ислоҳот фидойилари*

## ҚЎШЧАНОҚ

Пахтазор. Оппоқ куз қуёшида товланиб мезонлар учади. Деҳқон қалбидек беғубор, эзгу ниятларидек покиза даланинг ўзгача меҳру тароватИ бор. Етмиш бешни қоралаган Яҳё бобо ўн икки ёшидан дала кезади. Бугун бола-чақалари, невара-чеваралари ҳам табаррук заминни ардоқлаб кам бўлишмаяпти.

— Ризқ-рўз сочилган пайкаллар қадрдонимга айланганига олтмиш йилдан ошди, – дейди юз-кўзларида мамнунлик балқиган қария. – Дастлаб тракторчилик қилдим, йигирма йил гаражда ишладим. Мана бир неча йилдирки 16 гектар ерни ижарага олиб, деҳқончилик қиляпман.

Отахоннинг бошидан кўп воқеалар ўтди. Ўсмирлик йиллари иккинчи жаҳон уруш йилларига тўғри келди. Бир бурда нон учун кеча-ю кундуз тер тўкиб, ёшлик завқини тота олмади. Мана, ҳаммаси ортда қолди. Дарвоқе, шу йилнинг 1 августи Яҳё бобо қалбида абадий муҳрланиб қолди. Ўша куни даласига давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташриф буюрди. Юртбошимиз деҳқон бобо билан самимий суҳбатлашди. Ўша кунни, мамлакат раҳбарининг дилкаш суҳбатларини эслар экан, қариянинг кўнгли янада равшан тортади, қалби фахр-ифтихор, ғурурга тўлади.

Шаҳрисабз туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалигининг Яҳё Эргашев бошлиқ оилавий пудратчилари бултур ҳар гектар майдондан 51 центнердан хирмон кўтариб, 2,5 миллион сўм соф фойда олган эдилар. Бу йилги режа ҳосилдорликни гектар бошига 52 центнерга, соф фойдани 3 миллион сўмга етказиш. Кичик бир пудрат учун бу катта кўрсаткич, албатта.

— Ўн етти ёшимдан бери даладаман, – дея суҳбатни давом эттарди Яҳё бобонинг турмуш ўртоғи Илаш момо. — Ризқ-насиба улашаётган муқаддас тупроқни ардоқлаб кам бўлмадик. Бувингиз билан олти ўғил, саккиз қизни тарбиялаб, вояга етказдик.

Фарзандлари касб-ҳунарли, уйли-жойли, уч қизлари шифокор, иккитаси тикувчи, ўғиллари бобонинг қаватига киришган. 45 нафар невара, 5 нафар эваралари бор. Томорқада деҳқончилик қилиб, бозорга биринчилар қаторида помидор, бодринг чиқаришади.

Деҳқон бобо тонг ёришмасдан уйғонади. Субҳидамнинг тоза ҳавосида кўксини тўлдириб нафас олади. Шу кунларга етказгани учун Оллоҳга шукроналар айтади.

Дала бошига келганда кенжа ўғли Бекмирза куймаланиб юрган экан. Нимадандир кайфи чоғ.

— Дада, суюнчи беринг, – деди отаси билан саломлашар экан. — Қўшчаноқ топиб олдим.

Отаси оппоқ бўлиб очилган қўш чаноқни қўлига олиб узоқ тикилди. Кўзларига суртди. Чамандек яшнаб ётган пахтазорга боқиб, кўнгли янада кўтарилди.

Хўжаликда Яҳё Эргашев сингари тажрибали пахтакорлар кўп. Мавжуд 550 гектар майдон 90 нафар оилавий пудратчига берилган. Улар бу мавсумда ҳар гектар майдондан 45 центнердан хирмон кўтариб, етиштирилган ҳосилни юқори навларга топширишни мўлжаллаб туришибди.

Қадимий ва ҳамиша навқирон Шаҳрисабзнинг серунум тупроғини зарга, деҳқонларини заргарга қиёслашади. Усмон Сатторов, Эшим Муродов, Шамши Ёқубов, Саъдулла Асадов, Қўчқор Тўраев, Туроб Қурбонов бошлиқ оилавий пудратчиларнинг бутун фикру зикри улкан оқ олтин хирмони кўтаришга қаратилган. Айни кунларда бағрикенг пайкалларда йиғим-терим қизғин тус олмоқда.

Оппоқ чаноқлардан эгилган серҳосил ғўзалар куз шамолида оҳиста шовуллайди. Теримчиларнинг шўх кулгулари меҳнат жўшқинлиги билан уйғунлашиб кетади...

**ЁЛҚИН**

*Замонавий технология — тараққиёт гарови*

## КЎМИР САНОАТИ ЯНГИ БОСҚИЧДА

***Мамлакатимизда кўмир қазиб олиш ва истеъмолчиларга етказиб бериш ҳажми яқин йилларда бир неча бараварга ортади. Қаттиқ ёқилғининг жуда катта заҳиралари жойлашган Оҳангарондаги «Ангрен» кўмир конига Германиядан келтирилган дастлабки замонавий технология ўрнатилмоқда.***

Мустақиллик йилларида нафақат кўмир, балки уни қазиб олиш чоғида учрайдиган бошқа фойдали қазилмалардан ҳам омилкорлик билан фойдаланилмоқда. Ана шуни эътиборга олиб, бу ерда ҳукумат махсус дастурини амалга оширишга киришилди. У 2001-2010 йилларга мўлжалланган бўлиб, асосий мақсади кўмир конларини қайта жиҳозлаш, янги техника ва технологияни жорий этишга қаратилган. Олти босқичга мўлжалланган дастур муваффақиятли амалга ошса, қазиб олинаётган кўмир миқдори йилига ҳозирги 3 миллион тоннадан 12 миллион тоннага етказилади.

Ангренда қазиб олинаётган кўмирнинг катта қисми асосий истеъмолчи - «Ўзбекэнерго» Давлат акционерлик компанияси тизимидаги иссиқлик ва электр станцияларига етказиб берилмоқда. Бу корхоналар ҳозир йилига уч миллион тонна атрофида кўмир ёқади. Бироқ уларнинг қаттиқ ёқилғига бўлган талаби тўла қондирилаётгани йўқ. Масалан, Марказий Осиёдаги йирик иншоот - Янги Ангрен ГРЭСи кўмир конининг ёнида жойлашганига қарамай, электр энергияси ишлаб чиқаришда аксарият ҳолларда табиий газ ёки мазутдан фойдаланади. Дастурда эса мамлакатимиз бўйича кўмир ҳисобига электр энергияси ишлаб чиқариш истиқбол режалари ҳам аниқ белгилаб берилган. Масалан, Ангрен ва Янги Ангрен ГРЭСлари истеъмолчиларга бу йил 2,5 млрд. киловатт соат, келгуси йилда 3,1 млрд. киловатт соат электр энергияси етказиб бериши лозим. Бу миқдор йилдан-йилга ўсиб боради ва шу тариқа 2010 йилда 8,4 млрд.киловатт соатга етказилади.

- Ҳукумат дастурида кўмирни очиқ усулда қазиб олишни кўпайтиришга эътибор қаратилгани жамоамиз зиммасига катта масъулият юклади, - дейди «Ангрен» кўмир кони директорининг ўринбосари Мамашариф Хасанов. - Бу усулда бир тонна кўмир қазиб олиш учун ўртача 8-10 тонна тоғ жинсларини ўрнидан қўзғатишга тўғри келади. Бу ишларнинг денгиз сатҳидан тахминан минг метр баландликда, икки тоғ оралиғида, мураккаб сейсмик ҳудудда олиб борилиши эса муайян қийинчиликларни ҳам туғдиради.

Аммо кондаги асосий муаммо бу эмас. Ҳозир биз фойдаланаётган мавжуд техника анча эскирган. Охирги, нисбатан янги - экскаваторлар бундан ўн йил аввал келтирилган эди. Тепловоз, бульдозер паркларимиз ҳам анча сийраклашиб қолган. Ёрдамчи тармоқ - «БелАЗ кўмир» корхонасидаги мавжуд 27 автоуловнинг ҳаммаси ҳам тўла ишлаётгани йўқ.

Коннинг асосий қон-томири ҳисобланган ички темирйўл тизими, айниқса, кўмакка муҳтож. Шпал, релс, мустаҳкамловчи қисмлар етишмайди. Моддий-техник таъминотидаги бундай тақчилликлар эса кон очиш ишлари кўмир қазиб олишга нисбатан ортда қолишига сабаб бўлаётир.

Дастур кондаги бундай муаммоларни комплекс ҳал этиш, энг муҳими, ёқилғи қазиб олиш жараёнини замонавий техника ва технология билан қайта жиҳозлаш имконини беради. Мазкур кенг қамровли тадбир эса олти босқичда олиб борилади. Бу борада Германиянинг кон-транспорти ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи «Тиссен КРУПП» ҳамда «Ман Такраф» фирмалари билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилди. Натижада конга умумий қиймати 42 миллион немис маркасига тенг дастлабки янги техника мажмуи олиб келиб ўрнатилди. Шундай қилиб, кон очиш ишларига роторли экскаватор, темирйўл ўрнида уч ярим километр узунликдаги транспортёр лентаси ва чиқинди тоғ жинсларини тўплаш техникасидан иборат дастлабки замонавий мажмуа ишлай бошлайди.

- Янги техника синовдан яхши ўтди, эндиги масала унинг қувватини тўла ўзлаштириб олишда қолди, - дейди кон бош технологи Виктор Криков. - У соатига икки минг куб метр, йилига 4,5 млн.куб метр ҳажмдаги тоғ-кон ишларини бажаради. Афзаллиги шундаки, бунда кўмир устидаги тоғ жинсларини кўчириб олиш ва вагонга ортиб, бир неча чақирим олисга олиб бориб тўкишга ҳожат қолмайди. Аксинча, улар қазилган заҳоти транспортёр лентаси билан аввал ёқилғи қазиб олинган бўшлиққа келиб тушаверади. Бу кон очиш ишларини тезлаштириш билан бирга маҳсулот таннархини кескин камайтиради. Айни пайтда экологик мувозанатни сақлашга ҳам катта ёрдам беради.

Дастурга мувофиқ кўмир ҳавзасига бирин-кетин яна бешта шундай замонавий мажмуа олиб келиб ўрнатилади. Уларнинг тўрттаси кон очиш, иккитаси эса кўмир қазиб олиш ишларига йўналтирилади. Шу тариқа «Ангрен» кўмир конида ёқилғи қазиб олиш келгуси йили 2,7 миллион, 2010 йилга бориб эса 7,7 миллион тоннага етказилади.

Кончилар жорий йилнинг ўтган саккиз ойи мобайнида истеъмолчиларга 1 миллион 182 минг тонна кўмир етказиб бергани мўлжалдаги ишлар кўнгилдагидек амалга ошишидан дарак беради.

**Неъмат ДУШАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

### АҚШДАН - АФИНАГА

Мамлакатимиз спортчилари 2004 йили Афина шаҳрида бўлиб ўтадиган Олимпиада ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун нуфузли чемпионат ва мусобақаларда юқори натижаларга эришмоқда.

11-14 сентябр кунлари АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида эркин кураш бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Ушбу мусобақа ғолибларига Афинада бўладиган Олимпиадага йўлланма берилиши жаҳон чемпионатининг нуфузини янада оширди.

Жаҳон чемпионатида қатнашган беш нафар ҳамюртимиз: Дилшод Мансуров, Дамир Захардинов, Магомед Гажилавов, Магомед Ибрагимов ва Артур Таймазов мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди.

Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси матбуот марказидан хабар беришларича, 55 килограмм вазн тоифасида гиламга чиққан Д.Мансуров молдовалик рақибини мағлуб этиб, олтин медални қўлга киритди. Яна бир маҳоратли курашчимиз Артур Таймазов вазни 120 килограммгача бўлган курашчилар баҳсида мезбонлар вакили Мак Маккой билан куч синашди. Ҳал қилувчи беллашувда ҳамюртимиз рақиби устидан ғалабага эришиб, жаҳон чемпиони бўлди.

Бунгача Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари эркин кураш бўйича жаҳон чемпионатларида олтин медалга сазовор бўлмаган эди. Дилшод Мансуров ва Артур Таймазов келаси йили Афинага йўл олади.

**(ЎзА)**

*Меҳнат муҳофазаси*

## ҚОНУН ТАЛАБЛАРИ УНУТИЛГАЧ

### Учқўрғон туманида кўнгилсиз ҳодисалар содир этилди

***Ҳозирги кунда мамлакатимизда улкан ўзгаришлар юз бермоқда. Бу айниқса, иқтисодий соҳада яққол кўзга ташланади. Мисол учун, биргина Наманган вилоятида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш тармоқларининг 90 фоизидан ортиқ қисми хусусийлаштирилган. Муҳими, хусусий тадбиркорлик тараққиёти учун зарур бўлган барча шарт-шароит яратиб берилган. Жумладан, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида» қабул қилинган Қонун тадбиркорликнинг кенг оммалашуви ва тараққий топишида муҳим аҳамият касб этмоқда.***

Мазкур Қонун шарофати билан Учқўрғон туманида ҳам бирмунча ишлар қилинмоқда. Бу ерда ўнлаб хусусий тадбиркорлар томонидан ташкил этилган маиший, савдо хизмат кўрсатиш ҳамда саноат ишлаб чиқариш ва қурилиш-ободончилик тармоқлари халқ бахт-саодати йўлида фаолият кўрсатмоқда. Шу ўринда, ана шу тармоқ ва шохобчаларнинг барчасида фаолият кўрсатиш билан боғлиқ қонун-қоидаларга амал қилиняптими, деган ҳақли савол туғилади.

«Сардор» хусусий фирмаси туманда барпо этилаётган касб-ҳунар коллежини қайта таъмирлаш ишларини бажариш бўйича тендерда бош пудратчи сифатида ғолиб чиқди. Бу борада айрим пардозлаш ишларини амалга ошириш бўйича тумандаги «Сетора» фирмаси билан шартнома тузилган. Ана шу ҳужжатга мувофиқ фирма ишни бажаришга киришган ва шу жараёнда 2002 йил 14 апрел куни бахтсиз ҳодиса юз берган. Сувоқчи Бахтиёр Дўстматов ҳавозанинг устида сувоқ ишларини бажариб турган пайтида йиқилиб, оғир жароҳатланган. Йигит тезлик билан шифохонага ётқизилган. Аммо у негадир уйда, шахсий иш билан шуғулланган маҳалда йиқилиб тушдим, деб гапни чалғитган. Натижада бу ҳодиса «турмушдаги бахтсиз ҳодиса» деган мазмунда расмийлаштирилган. Даволаниб чиққан Бахтиёр бутунлай тузалмаганлиги сабабли ТМЭК томонидан иккинчи гуруҳ ногиронлигига чиқарилган. Орадан анча вақт ўтгач, аниқроғи декабр ойига келиб Б.Дўстматов туман прокуратурасига қурилиш майдонида жароҳат олгани юзасидан ариза беради. Ариза ўрганиб чиқилганда, Бахтиёрнинг жароҳат олиши вақтида «Сетора» ва «Сардор» фирмалари билан меҳнат муносабатларида бўлмаганлиги аниқланди. Жавобдан қониқмаган Б.Дўстматов энди вилоят прокуратурасига мурожаат қилди. Масала вилоят ҳокимлигининг меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси мутахассислари иштирокида ўрганиб чиқилди ҳамда содир бўлган бахтсиз ҳодиса ҳақиқатан ҳам ишлаб чиқаришда юз берган, деган тўхтамга келинди. «Сардор» ва «Сетора» фирмаларига бахтсиз ҳодисани белгиланган тартибда расмийлаштириш юзасидан кўрсатма берилиб, унга асосан улар жабрланувчига бир йўла бериладиган нафақа пулини тўлашга мажбур бўлдилар.

Иккинчи бахтсиз ҳодиса тумандаги «Қумқўрғон» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган Тожиддин Нурмирзаевга қарашли пахта титиш цехида юз берган. Ишчи Баҳодир Маматхонов осилиб турган пахтани олиб ташламоқчи бўлганида оғир тан жароҳати олган.

– Юқоридаги ҳар икки бахтсиз ҳодисани таҳлил этиш шуни кўрсатмоқдаки, – дейди вилоят ҳокимлигининг меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси давлат меҳнат техника инспектори Аҳмаджон Йўлдошев, – улар иш жараёнида белгиланган қонун-қоидаларига амал қилмаслик оқибатида юз берган. Аввало, биринчи бахтсиз ҳодисада тегишли жавобгар ва масъул ходимлар меҳнат хавфсизлиги талабларини тўлиқ назорат қилмаганлар. Қолаверса, жабрланувчи негадир юз берган ҳақиқий ҳолатни яширган ва бундан ўзи зиён кўрган. Тегишли идоралар аралашуви билангина ҳақиқат қарор топган.

Иккинчи ҳодисада цех эгаси айбдор. Цех 1995 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган бўлса-да, унга ҳалигача қонуний рухсатнома олинмаган. Бу ердаги мавжуд шароитлар меҳнат, санитария ва электр хафвсизлиги талабларга жавоб бермайди. Бундан ташқари, яна бир қатор талаблар мулк эгаси томонидан бажарилмаган. Жабрланувчи ҳамда иш берувчи ўртасида меҳнат муносабати ўрнатилмаган. Тадбиркорга мавжуд камчиликларни бартараф этиш ҳамда жабрланувчига моддий ёрдам кўрсатиш вазифаси юклатилди.

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

Касаба уюшма тадбири

**Ўсиб келаётган ёш авлодни жисмоний жиҳатдан соғлом, бақувват, мард ва матонатли инсонлар этиб тарбиялашда, қолаверса, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти бекиёсдир. Шу боис ҳам шахснинг жисмоний ва маънавий комилликка эришувининг муҳим омили бўлган спорт бугунги кунда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг устувор йўналишига айланган. У ҳозирда улкан оммавийлик касб этиши билан бирга халқаро миқёсда Ватанимиз нуфузини оширишга ҳам хизмат қилмоқда.**

# «САЛОМАТЛИК» СПАРТАКИАДАСИ

## оммавийлик касб этди

Ўзбекистон касаба уюшмалари республикамизда спорт оммавийлигини таъминлаш мақсадида меҳнаткашлар ўртасида ўтказилаётган турли беллашувларнинг ташаббускори ҳамда ташкилотчиси бўлиб келмоқда. Қувонарлиси, меҳнаткашлар саломатлигини мустаҳкамлаш, оммавийликни таъминлаш ҳамда шу йўл билан фарзандларимиз қалбида спортга нисбатан юксак иштиёқ уйғотишдек эзгу мақсадларга йўналтирилган бу саъй-ҳаракатларимиз беиз кетмаяпти. Ғоят қизиқарли ўтаётган мусобақаларда иштирокчилар сони тобора ортиб бормоқда. Шунингдек, энг оммавий жамоат ташкилоти томонидан кўплаб спорт мусобақаларини ўтказишда ҳомийлик кўмаги кўрсатилаётир. Айниқса, спортчиларимизнинг халқаро майдонларда эришаётган ютуқлари алоҳида таҳсинга лойиқдир. Мисол учун, Оксана Чусовитина, Антон Ряхов, Бекзод Хидиров, Дилшод Орипов, Надежда Пишулина, Юлия Борзова, Равил Начаев, Дилшод Мансуров каби ўнлаб касаба уюшма спорти вакиллари мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя этиб келишмоқда. Тизимдаги кўплаб БЎСМларда эса муносиб ўринбосарлар – юзлаб иқтидорли ўғил-қизлар тарбияланмоқда.



Куни кеча Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги сўлим «Семурғ» болалар соғломлаштириш оромгоҳида мамлакатимиз мустақиллигининг 12 йиллигига бағишланган «Саломатлик» республика тармоқ спартакиадаси бўлиб ўтди. Мусобақада тармоқ спартакиадалари ғолиблари – ўн тўртта тармоқ жамоаси ҳамда «Қизилқумнодирметаллолтин» корхонаси вакиллари спортнинг волейбол, тош кўтариш, стол тенниси, арқон тортиш, стритбол, енгил атлетика каби турлари бўйича ғолиблик учун баҳс олиб бордилар.

Энг оммавийлашган спорт турларидан бири ҳисобланган волейбол мусобақаларида Агросаноат ходимлари касаба уюшма тармоқ жамоаси барча рақибларидан маҳорат бобида устунлигини намойиш этиб, биринчи ўринни қўлга киритди. Алоқа ходимларидан ташкил топган жамоа иккинчи, Қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари волеболчиларига эса учинчи ўрин насиб этди.



Эркаклар ўртасидаги стритбол беллашувлари ҳам ғоят қизиқарли баҳслар остида ўтди. Унда «Қизилқумнодирметаллолтин» жамоасига тенг келадиган рақиб топилмади. Шунингдек, Ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ҳамда соғлиқни сақлаш ходимлари тармоқ жамоалари ҳам мусобақага пухта тайёргарлик кўрганликларини намоён этишди. Бу жамоалар кейинги совринли ўринларни эгаллашди.

Енгил атлетика баҳслари эркаклар ва аёллар ўртасида ўтказилди. Аёллар ўртасидаги енгил атлетика беллашувларида Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма ходимаси Галина Козлова шоҳсупага кўтарилди. Света Таланова (Агросаноат ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси) иккинчи, Анна Гладишева (Давлат муассасалари ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси) учинчи ўринга лойиқ кўрилди. Эркаклар ўртасидаги баҳсда Николай Василев (Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси), Саид Оролов (Агросаноат ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси), Дмитрий Мельников(«Қизилқумнодирметаллолтин»)лар кетма-кет маррага етиб келдилар.

Соғлом турмуш энг аввало оилада шаклланади. Шу сабаб касаба уюшмалари оилавий спортни ривожлантиришга муҳим аҳамият қаратмоқда. Меҳнат жамоалари, туман ва вилоятлар миқёсида турли оилавий мусобақалар зўр муваффақият билан ўтказилаяпти. Спартакиада дастуридан ўрин олган оилавий мусобақалар ана шу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ намоён бўлди, десак адашмаган бўламиз. Бинобарин, мазкур беллашувлар кутилганидан ҳам қизиқарли, ниҳоятда қизғин, дўстона руҳда ўтди. Унда Енгил, мебел саноати ва коммунал маиший хизмат ходимлари касаба уюшма тармоқ вакиллари – Чопенколар оиласи ҳакамлар томонидан ғолиб деб топилди. Кейинги ўринларни эса Исломовлар (Маданият ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси) ва Мирашиловлар (Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси) оилалари эгаллашди. Шунингдек, стол тенниси бўйича А.Каримжонов ва С.Назарова, тош кўтариш бўйича В.Коротков ва С.Брюзгин ҳамда арқон тортиш баҳсларида Ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати жамоаси ғолиблар сафидан жой олдилар.

Мусобақа якунида умумий ҳисобда совринли ўринларни қўлга киритган жамоалар аниқланди. Унга кўра Агросаноат ходимлари касаба уюшма жамоаси биринчи ўринга муносиб кўрилди. Шунингдек, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма вакиллари иккинчи, Ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари учинчи ўринни эгаллади. Ғолиблар ва совриндорлар касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Асқарали СУЛТОНОВ,**
**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлим мудири**



# СПОРТ – СОҒЛОМ АВЛОД ХИЗМАТИДА





## МЕЗБОНЛАР ЎЗИНИ КЎРСАТДИ

Қарши шаҳрида таэквондонинг ITF йўналиши бўйича ўтказилган турнирда юртимизнинг барча вилоятларидан келган тўрт юзга яқин спортчи иштирок этди.

Умумжамоа ҳисобида Қашқадарё вилояти биринчи ўринни эгаллаган бўлса, кейинги ўринлар Тошкент ва Жиззах вилоятларига насиб қилди.

**(ЎзА)**

**Навоий шаҳридаги «Офтобжон» оромгоҳида Давлат солиқ хизмати ходимларининг 2-спартакиадаси бўлиб ўтди.**

## СОЛИҚЧИЛАР БЕЛЛАШДИ

Барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридан келган 224 нафар солиқ идоралари ходимлари стол тенниси, қўл жанги ва кураш бўйича беллашдилар. Наманганлик стол теннисчиларининг чиройли ўйини, Бухоро ва сурхондарёлик курашчиларнинг чапдастлиги навоийлик қўл жанги усталарининг маҳорати томошабинлар олқишига сабаб бўлди.

Умумжамоа ҳисобида Навоий вилояти жамоаси биринчи, Наманган ва Бухоро вилояти солиқчилари иккинчи ва учинчи ўринни эгаллашди.

Ғолиблар ва совриндор жамоаларга Давлат солиқ қўмитаси, вилоят солиқ бошқармаси, Навоий вилоят ҳокимлиги ва тармоқ касаба уюшма қўмитасининг қимматбаҳо совғалари топширилди.

**Шухрат ҲАЛИЛОВ**

## ЎН ИККИ ЁШЛИЛАР БАҲСИ

Жиззах олимпия захиралари спорт коллежида 12 ёшли ўғил ва қизлар ўртасида вилоят очиқ биринчилиги мусобақалари ўтказилди. Мустақилликнинг 12 йиллигига бағишланган ушбу спорт беллашувида ёш спортчилар спортнинг 12 тури бўйича ўзаро куч синашди. Якка кураш бўйича Зомин, Зарбдор, Пахтакор, Жиззах тумани ёшлари, футбол бўйича Жиззах шаҳри шарафини ҳимоя қилган Тошлоқ маҳалласи ёш спортчилари ғолиб чиқиб, республика мусобақасида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

**(ЎзА)**

**Қўқон шаҳрида мамлакатимиз мустақиллигининг 12 йиллигига бағишлаб бокс бўйича халқаро турнир ўтказилди.**

## ҚЎҚОНДА ХАЛҚАРО ТУРНИР

Мусобақада мамлакатимиз боксчиларидан ташқари Малайзия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистондан келган 135 спортчи иштирок этди.

Кескин ва муросасиз жанглар натижасига кўра, турнирнинг олтин медаллари маҳорат бобида меҳмонлардан анчагина устун келган мезбонларга насиб этди. Ҳамюртларимиздан О.Мамажонов, Р.Эралиев, А.Умаров, У.Бўрибоев, Ж.Сувонқулов, Н.Умаров, Б.Сиддиқов, Ш.Абдураҳмонов, Н.Ғуломов, А.Раҳмонов, Ж.Матжонов ўз вазн тоифасида ғолиб чиқди.

**(ЎзА)**

Футбол

## ЧЕМПИОН ДЕЯРЛИ МАЪЛУМ

*** Кумуш медал совриндори ҳам.**
*** Учинчи ўрин кимга насиб этади?**

**Албатта, олдиндан бир нарса дейиш қийин. Айниқса, футболда. Лекин мухлислар ҳам, мутахассислар ҳам зўр интиқиш билан кутган тур ортда қолгач, кўп саволларга жавоб олгандек бўлдик.**

Аввал «Нефтчи» ва «Пахтакор» жамоалари ҳақида. Ушбу тургача вазият тўла ойдинлашмаган, гарчанд пойтахт командаси ўз таъқибчисидан тўрт очкога ўзиб кетган эсада, Фарғонада бўладиган ўзаро беллашувдан умид катта эди. Лекин футбол шуниси билан қизиқки, кимга кўпроқ ютуқ керак бўлса, ўша жамоадан омад қочади. Бу гал ҳам шундай ҳол юз берди. Муросасиз кечган баҳсда пахтакорчилар уюшқоқлик билан ҳаракат қилиб, амалда кимнинг кимлигини исботлай билдилар.

2:1 ҳисоби «Навбаҳор» - «Сурхон», «Насаф» - «Қизилқум» ва «Бухоро» - «Гулистон» жуфтликларида ҳам қайд этилди. Наманган ва Қаршида майдон эгалари устун келган бўлсалар, Бухородаги матч меҳмонларнинг ғалабаси билан якун топди. Айтиш мумкинки, зарафшонликларнинг мағлубияти уларнинг бронза медали учун даъвогарлик мавқеига жиддий путур етказди. Боиси ушбу турда зафар қучган «Насаф» ва «Навбаҳор» тўплаган очколар «Қизилқум»никига деярли тенглашиб қолди. Бир сўз билан айтганда, баҳс қайтадан бошланадиган кўринади.

Буни қарангки, мавсум якунига яқинлашган сари олий лигада қолиш учун кураш ҳам қизиб кетди. Буни «Гулистон» жамоасининг «Бухоро» устидан қозонган ғалабаси, «Қўқон-1912» командасининг жонланиб қолганлиги ва ниҳоят анчайин парокандага учраган «Трактор»нинг кетма-кет икки муваффақияти ҳали асосий беллашувлар олдинда эканлигидан дарак бермоқда.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Андижон» - «Машъал» - 3:0, «Қўқон-1912» - «Металлург» - 4:0, «Трактор» - «Цементчи» - 3:0.

Келгуси тур 20 сентябрда бўлиб ўтади. Унда, айниқса, «Пахтакор» - «Навбаҳор», «Металлург» - «Насаф», «Дўстлик» - «Нефтчи» жуфтликларида баҳс кескин ўтиши кутилмоқда.

Нимаям дердик, бу ёғига ўткинчи ўйиннинг ўзи бўлмайди. Чунки ҳар бир гол ва ҳар бир очко ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

**23-ТУРДАН КЕЙИНГИ ВАЗИЯТ**

| | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **1.«Пахтакор»** | **22** | **20** | **2** | **0** | **74-18** | **62** |
| **2.«Нефтчи»** | **23** | **18** | **1** | **4** | **64-27** | **55** |
| **3.«Қизилқум»** | **23** | **14** | **3** | **6** | **46-22** | **45** |
| 4.«Навбаҳор» | 22 | 13 | 5 | 4 | 42-20 | 44 |
| 5.«Насаф» | 23 | 14 | 2 | 7 | 45-33 | 44 |
| 6.«Машъал» | 23 | 10 | 4 | 9 | 35-28 | 34 |
| 7.«Сурхон» | 22 | 8 | 4 | 10 | 24-38 | 28 |
| 8.«Андижон» | 23 | 7 | 6 | 10 | 27-28 | 27 |
| 9.«Дўстлик» | 23 | 8 | 3 | 12 | 30-42 | 27 |
| 10.«Самарқанд-Д» | 23 | 8 | 1 | 14 | 29-37 | 25 |
| 11.«Цементчи» | 23 | 6 | 6 | 11 | 29-47 | 24 |
| 12.«Бухоро» | 22 | 7 | 2 | 13 | 35-42 | 23 |
| 13.«Трактор» | 23 | 6 | 4 | 13 | 33-52 | 22 |
| 14.«Металлург» | 23 | 6 | 4 | 13 | 27-51 | 22 |
| **15.«Қўқон-1912»** | **23** | **7** | **0** | **16** | **31-54** | **21** |
| **16.«Гулистон»** | **23** | **5** | **3** | **15** | **19-51** | **18** |

Жонкуярларимиз

**Абдуманноб Парпиев ашаддий мухлис. Телевизорда намойиш қилинадиган спорт мусобақаларини канда қилмайди. Ёшлигида қишлоқ футбол командаси таркибида тўп суриб, «Паркуян» тахаллусини олганди. Ҳозиргача ҳамқишлоқлар шу ҳақда гапиришади.**

# ЗУРРИЁДИМИЗ БАРКАМОЛ БЎЛСИН

Бокс бўлса, жони-тани. Дала юмушлари билан бўлиб ринг томошаларини ўтказиб юборса, эртасига албатта бирор ишқибоздан тафсилотини эшитиб хуморини ёзади.

Бугун ҳам даладан одатдагидан барвақтроқ қайтди. Негаки, телевизорда «Насаф» билан «Пахтакор»нинг ўйини кўрсатилишидан хабардор эди. Барибир томошани кўриш насиб қилмади. Кечқурун ҳокимликда раисларнинг йиғилиши борлиги учун шошилинч жўнаб кетди.

Қайтаётиб машинанинг қисқа тўлқинли радиосидан Юртбошимизнинг Оқсаройда болалар спорти ривожига бағишланган йиғилишини эшитиб бораркан, хаёлга чўмди. Ўзини ўзи саволга тута бошлади:

«Хўжаликда кўзга кўринадиган ўйингоҳ борми?», «Қишлоқ, маҳаллалардан республикага танилган номдор боксчилар, полвонлар етишиб чиқяптими?», «Ширкат хўжалиги довруғини ҳимоя қиладиган чемпион қачон етишиб чиқади?».

Танига ўйлаб қараса, бу юмушларнинг бошида фақат ўзи туриши керак. Пахта, ғалла ҳам зарур. Фарзандлар камоли-чи? Кечқурунги «наряд» йиғилишида спорт ўйингоҳи қурилиши масаласини ўртага ташлади. Касабақўм раиси Абдураҳимжон Мамасолиев биринчи бўлиб бу таклифни қўллаб-қувватлади. У жамоа шартномасида жисмоний тарбия ва спорт-соғломлаштириш ишларини ривожлантириш ҳақида алоҳида бандлар борлигини эслатди.

Учқундан аланга деганларидек, ширкатда спорт мажмуаси барпо этишлари ана шундай бошланди. Болалар мол ўтлатиб юрадиган ташландиқ тутзор бўларди. Ўйингоҳга шу ер танланди. Туман ҳокимлиги бу ташаббусдан мамнун бўлиб, спорт жиҳозлари, қурилиш-монтаж ишларига кетадиган техника-транспорт воситалари топишга кўмаклашадиган бўлди.

Қаловини топсанг қор ёнади. Ширкат муҳандиси Аслиддин Ҳожиматов, касабақўм раиси Абдураҳимжон Мамасолиев раиснинг жонига оро кирдилар. Уларнинг маслаҳати билан «Андижонлойиҳалаш» институти мутахассисларига ўйингоҳ тарҳини чиздириш ҳақида буюртма бериладиган бўлди.

Биз ўйингоҳ қурилишида бўлган кезлари ширкат далаларида ғўзани чеканка қилиш ишлари бораётганди. Деҳқонлар дала ишларининг ушбу босқичини «нафас ростлаш» палласи деб номлайдилар. Аъзолар «нафас ростлаш» кунларини ўйингоҳ қурилишида ўтказишга келишиб олишган экан.

Каттаю кичик ҳашарда, ўйингоҳ қурилишида қатнашаётганди. Эни 170 метр, узунлиги 85 метр, қарийб 6 гектар ерни эгаллаган ўйингоҳ амфитеатрни эслатиб турарди. Муҳандис Аслиддин Ҳожиматов бир қарасак моҳир қурувчи, бир қарасак геодезистга ўхшаб туюлди. Бир кўзи нивеллир дурбинида, бир кўзи эса билагидаги ўйингоҳ тарҳида. Югуриш майдончаларининг пасту баландини аниқлаётган, хуллас ўлчов ишлари олиб бораётганди. Нарида тупроқ сураётган грейдернинг гулдуроси эшитилиб турарди. С.Исоқов бошлиқ бригада аъзолари кетмонлаб ўйингоҳ ҳудудини текислашга киришганди. «Болаликтепа» маҳалла фуқаролар йиғини оқсоқоли Маъруфжон Султоновни ҳам шу ерда учратдик. Ёш-ялангларни ёнига олиб, ўриндиқларни тайёрлаётган бетончилар бригадасига баҳоли қудрат кўмаклашаётгандилар.

Шу пайт қаршимизга «Дамас» автомашинаси келиб тўхтади ва ундан ширкат бошқаруви раиси Абдуманноб Парпиев тушиб келди. Оёғидаги енгил этикдан, юз кўзидаги дала чанг-гардидан, офтобда куйган киприкларидан кўп нарсани пайқадик. Раиснинг бир оёғи далада бўлса, бир оёғи ўйингоҳ қурилишида эди.

- Стадионнинг биринчи навбатини томошабинларнинг ўрин-жойларини, дарвоза-аркни, меҳмонларга мўлжалланган минбарни пахта очилгунча қўлдан чиқарамиз, - дейди раис салом аликдан сўнг. — Бугунгача 25 минг куб метр тупроқ ишлари, 320 куб метр бетон ишлари поёнига етказилди.

Раис ўйингоҳга чим босаётган ишчиларни бошқараётган касабақўм раисини ёнига таклиф қилди. Ишчиларнинг овқатланиши, дам олиши, ишда ўрнак кўрсатганларни рағбатлантирилишини суриштирди. Шу пайт Абдуманнобнинг ички чўнтагидаги уяли телефон қитирлаб қолди. Шошиб қулоғига тутаркан, ҳокимликдан йўқлашаяпти, ўтган куни қурилишга арматурадан ёрдамлашишларини сўровдим. Чамаси ҳал бўлган кўринади, - дедида шошиб жўнаб кетди.

- Вилоятдаги спорт қурилишига алоқадор мутахассислар, - дейди бизга ҳамкорлик қилаётган спорт йўриқчиси Музаффаржон Раҳимбердиев, – ўйингоҳга тез-тез қадам ранжида қилиб турибдилар. Улар қимматли маслаҳатларини аямаётирлар.

Йўриқчининг билдиришича, ўйингоҳда спортнинг қўл тўпи, мини футбол, стол тенниси, гимнастика, оғир атлетика каби турлари билан шуғулланиш имкониятлари яратилади. Ўйинчилар ҳамда меҳмонлар учун қулай маданий-маиший шароитлар яратиш режалаштирилган. Қўш қаватли 22 ўринли меҳмонхонада пардозлаш ишлари кетмоқда. Лойиҳада ўйинчилар учун ювиниш, ечиниш, дам олиш хоналарини тиклаш кўзда тутилган.

Қаршимиздаги 3 гектар ердаги тераксзор боғ айниқса маъқул тушди. Саратон оташи уфуриб турганда ҳам боғ ҳудудига тангадек офтоб тушмайди. Бир-бирига туташиб кетган асфальт йўлкаларда тераксзорнинг осуда шивирида қизғин футбол баҳсларидан кейин ўйинчилар, томошабинлар кўнгил ёзиб ҳордиқ чиқариши мумкин. 300 томошабин сиғадиган майдонча бир йўла 2 та вазифани - концерт томошалари ҳамда курашхона ўрнини босади. Хуллас, бу ерда мазмунли ҳордиқ чиқариш учун барча нарса муҳайё. Дейлик, улфатлар билан бир «чимдим» андижонча палов дамламоқчисиз. Марҳамат, ошхона хизматингизга мунтазир. Жўрангиз билан хилватда дилдан суҳбатлашмоқ ниятингиз бор. Мўъжаз айвончали «беседка-суҳбатхоналар» ихтиёрингизда. Табиат қўйнида чойхўрликни кўнглингиз тусаб қолди. Адрас тўшакларга чўзилиб, парқувларга ёнбошлаб чойхўрлик қиласиз. Кимдир билярд ўйнамоқчи, шинам билядр хона қаршингизда тайёр. Айтмоқчимизки, спорт ҳордиқ билан ҳамдам.

Бу қулайликларни бежиз келтирмаяпмиз. Чунки маъмурият билан касабақўм имзолаган жамоа шартномасида ширкат аъзоларининг ижтимоий ҳимоясини кафолатловчи, меҳнатни муҳофаза қилувчи, соғлиқни мустаҳкамлашга қаратилган, махсус битимлар мавжуд. Ҳар уч ойда, касабақўм йиғилишида ушбу шароитларни бажарилиши муҳокамадан ўтказилади.

Эътиборга лойиғи ширкат ҳузурида гандбол, футбол, каратэ каби олтита секция ишлаб турибди. Унга юз нафарга яқин спорт ишқибозлари уюшган. «Баркамол авлод -2003» ўйинларининг иштирокчиси, таэквондочи Акмал Алиев қишлоқ ёшларининг бошларини қовуштириб, спортнинг ушбу турини ривожлантирмоқда. Спорт мураббийси Анваржон Алиевни доим маҳалладошлар даврасида учратасиз. Унинг кўмагида спортнинг енгил атлетика тури бўйича оилавий командалар етишиб чиқиб, вилоятда фахрли ўринларни эгалладилар. Шиддатли мусобақалар, волейболчи Қодиржон Ғофуровсиз ўтмайди. Каримжон Қўчқоров каби кураги ерга тегмаган полвонлар ҳам Бобур номли ширкат хўжалигидан етишиб чиққан.

Ўйингоҳ ишга тушса, қишлоқ спортчиларининг сафи янада кенгайиши, ширкатнинг довруғи таралиши турган гап. Бошқарув раисининг ўйингоҳ қурилиши учун жонбозлиги боиси ҳам шундан. Хўш, бу хайрли юмушларга маблағ қаердан келаяпти, деган саволга жавоб тайёр. Пахта ва дон етиштиришда Бобур номли ширкат хўжалиги Асакадагина эмас, жумҳуриятда етакчи. Ўтган йили хўжалик пахтадан гектаридан 37,6 центнердан, дондан гектаридан 81,6 центнердан хирмон кўтариб, давлат буюртмаларини ортиғи билан бажарди. Жорий йилда буғдойдан 3893 тонна ўрнига 5 минг тоннадан ортиқ мўл ҳосил етиштирилди. Пахта ҳосили ҳам шартнома мажбуриятларини ортиғи билан ўринланишидан нишона бериб турибди. Ўртача иш ҳақи 20 минг сўмдан ошиб кетган.

Хайрлиси, топилган пул даромадлари халқнинг ижтимоий ҳимоясига сарфланмоқда. Қоратепа қишлоғидаги маҳаллаларга 3 километр узунликда газ ва тоза ичимлик сув тармоғи тортилди. Ушбу қишлоқда 10 ўринли янги гузар иш бошлади. «Янгиобод» маҳалласида бошланғич мактаб биноси, Ниёзботир қишлоғида эса 600 ўринли қишлоқ врачлик пункти ишга туширилди.

Бу ишларнинг ҳаммаси зурриёдларимизнинг камоли учун қилинмоқда.

**Собиржон РЎЗИМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир ўринбосари Ғулом ЮСУПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Мирғиёс Қаюмов (Бош муҳаррир), Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.10

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 9274 Буюртма Г— 717. 1 2 3 4 5